



УДК: 94 (575.092)

Хушвақт НОРҚЎЧҚАРОВ,
Бухоро давлат университети таянч докторанти,
E-mail: xushvaqt.norqochqarov@mail.ru

ТерДУ Педагогика институти Тарих, санъат ва спорт факультети декани, т.ф.н. П.Ш.Хушбоқов тақризи асосида

SOME THOUGHTS ON TURKISH MIGRATION TO AFGHANISTAN (SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - 30S OF THE XX CENTURY)

Abstract

This article is devoted to the history of Turkestan emigration to Afghanistan from the second half of the XIX century to the 30s of the XX century. It analyzes the causes and factors of migration from the Emirate of Bukhara, Khiva and Kokand khanates to the territory of Afghanistan from the Central Asian republics of the Soviet Union, as well as their location, social structure, the attitude of the Afghan government and the local population to Turkestan migrants.

Key words: Turkestan, Afghanistan, immigrant, Uzbek, social structure, nation, ethnic composition, gilzai, Northern Afghanistan, emir, historical stage, political immigrant.

НЕКОТОРЫЕ МЫСЛИ О ТУРЕЦКОЙ МИГРАЦИИ В АФГАНИСТАН (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX ВЕКА - 30-Е ГГ. XX ВЕКА)

Аннотация

Данная статья посвящена истории туркестанской эмиграции в Афганистан со второй половины XIX века до 30-х годов XX века. Анализируются причины и факторы миграции из Бухарского эмирата, Хивинского и Кокандского ханств на территорию Афганистана из среднеазиатских республик Советского Союза, а также их местонахождение, социальная структура, отношение афганского правительства и местного населения туркестанским мигрантам.

Ключевые слова: Туркестан, Афганистан, переселенец, узбек, социальная структура, нация, этнический состав, гильзай, Северный Афганистан, эмир, исторический этап, политический переселенец.

ТУРКИСТОНЛИКЛАРНИНГ АФҒОНИСТОНГА МУХОЖИРЛИГИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР 30-ЙИЛЛАРИ)

Аннотация

Ушбу мақола XIX асрнинг 2-ярмидан – XX аср 30-йилларигача бўлган даврда туркистонликларнинг Афғонистонга мухожирлик тарихига бағишланган. Унда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидан кейинчалик Совет Иттифоқи таркибидаги Ўрта Осиё республикаларидан Афғонистон худудига миграцияси сабаб ва омиллари, шунингдек, уларнинг ушбу давлат худудида жойлашиши, ижтимоий таркиби, афғон ҳукумати ва маҳаллий аҳолининг Туркистон мухожирларига муносабати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Туркистон, Афғонистон, мухожир, ўзбек, ижтимоий таркиб, миллат, этник таркиб, ғилзой, Шимолий Афғонистон, амир, тарихий босқич, сиёсий мухожир.

Кириш. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби ташқи сиёсатда ҳам ўзаро тенглик, тинчлик ва ҳамжихатликка асосланган халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида йўл тутилди. Бу жиҳат бугунги кунда янги босқичга кўтарилиб, биринчи навбатда қўшни давлатлар билан алоқалар янада мустақамланиб, халқлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалар ривож топиб бормоқда. Бу эса бизнинг бир минтақа, бир маконда тарихан муштарак бўлган урф-одат ва анъаналаримиз, тилимиз, дин-у эътиқодимиз бир-бири билан боғлиқ ҳолда шаклланган, қариндош-уруғчилик ва куда-андачилик муносабатлари билан боғланган халқлар сифатида асрлар оша сайқал топиб келаётганлигини ағлатади. Тарихий ҳақиқатни англашда бир минтақада яшовчи бир халқларни бирини иккинчисидан айро ҳолда тасоввур қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихининг барча босқичлари тарихчи-олимлар томонидан чуқур тадқиқ этилаётган бир даврда қўшни давлатлар худудида яшовчи ўзбеклар тарихи ҳам ушбу тарихнинг ажралмас бир қисми деб ҳисоблаш ўринлидир. Шу жиҳатдан қараганда айниқса, бугунги кунда Ўзбекистондан ташқарида доимий яшовчи энг кўп ўзбек миллатига мансуб аҳоли Афғонистон худудига тўғри келади. Уларнинг асосий

қисми тарихан ушбу худудда яшаб, Амударёнинг ҳар икки томонида бир хил турмуш тарзига эга ҳаёт кечириб, мустақам алоқалар ўрнатган бўлсалар, кейинги суронли даврларда тақдир тақозоси билан турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ушбу худудга келиб жойлашган ўзбеклар ҳисобига уларнинг сони янада ортганлигини кўриш мумкин. Натижада бугун ушбу мамлакат худудида яшовчи ўзбекларга нисбатан фанда қўшни мамлакатга хос худудий бирлик жиҳатдан Афғонистон ўзбеклари ибораси шаклланди, деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, ушбу даврда Афғонистон худудига кўчиб ўтган туркистонликларнинг этник таркиби турфа хил бўлганлигини ҳам инобатга олиш керак.

Мақолада асосий масала сифатида ушбу жиҳатлардан бири ҳисобланган XIX асрнинг 2-ярмидан – XX аср 30-йилларига қадар бўлган даврда туркистонликларнинг Афғонистонга мухожирлиги сабаб ва омиллари ҳамда уларнинг ушбу давлат худудида жойлашиши, этник ва ижтимоий таркиби, афғон ҳукумати ва маҳаллий аҳолининг Туркистон мухожирларига бўлган муносабатига эътибор қаратилади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Тадқиқ этилаётган даврда туркистонликларнинг қўшни Афғонистон худудига

мухожирликка кетишининг сабаблари, мухожир туркистонликларнинг ижтимоий таркиби ва уларнинг ушбу мамлакат бўйлаб ҳудудий жойлашуви ҳамда кейинги фаолият ва машғулоти каби жиҳатлари ҳозирга қадар алоҳида бир тадқиқот иши сифатида тўлиқ ўрганилмаган бўлсада, афғон ўзбеклари бўйича асосий манба ҳисобланган Н.Назаровнинг асарларида, ўзбек тарихшунослигида мухожир ўзбеклар тарихи, унинг сабаб ва оқибатлари бўйича чуқур тадқиқот олиб борган олим Ш.Ҳайитов асарларида, шарқшунос Х.Ҳашимбеков, тожикистонлик тадқиқотчи К.Абдуллаевлар асарларида, ҳамда бошқа бир қанча архив материаллари, мақолалар ва интернет сайтларида бу ҳақдаги маълумотларни учратишимиз мумкин.

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мақолада тарихни ўрганишда кенг қўлланиладиган методологик ёндашувлар яъни тарихийлик, мантикий изчилик, қиёсий таҳлил, ҳолисоналик тамойиллари асосида иш кўришга ҳаракат қилинди. XIX асрнинг 2-ярмидан – XX аср 30-йилларигача бўлган даврда туркистонликларнинг Афғонистонга мухожирлиги сабаб ва омиллари ҳамда уларнинг ушбу давлат ҳудудлари бўйлаб тарқалиши, уларнинг машғулоти ва ижтимоий таркиби, афғон ҳукумати ва маҳаллий аҳолининг Туркистон мухожирларига бўлган муносабатига қисқача назар ташлаш, муаммо илмий, қиёсий-мантикий жиҳатдан таҳлил этилади.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Марказий Осиё ҳудудидаги аҳолининг кўшни давлатларга мухожирлигини кўплаб тадқиқотчилар XX асрнинг 20-30-йилларида юз берганлигига эътибор қаратсада, айнан ўзбек тарихшунослигида мухожир ўзбеклар тарихи, унинг сабаб ва кейинги оқибатлари бўйича чуқур тадқиқот олиб борган олим Шодмон Ҳайитов ўзининг барча асарларида Афғонистондаги ўзбек мухожирлиги сабаб ва омиллари, шунингдек, мухожир ўзбекларнинг кейинги ҳаёт сўқмоқларига алоҳида тўхталиб ўтади [1], [2], [3], [4], [5], [6]. Олим Ўрта Осиё ҳудудларидан кўшни Афғонистон ерларига мухожирликка кетиш XIX асрнинг II ярмида бошланганини, яъни ўзбек сиёсий мухожирлиги тарихи Россия империясининг Ўрта Осиёни бўйсиндириш учун босқинчилик урушлари даврида ва мустамлакачилиги йилларидан (1867-1917 йиллар) бошланганини таъкидлайди. Қўқон хонлигининг ҳудудларини босиб олишдан бошланган Россия империяси истилочилиги юришларига қарши мудофаа жангларида иштирок этган кўпгина шахслар хонликдаги шахар ва қишлоқлар бирин-кетин босқинчилар қўлига ўтиб боравергач, кўшни давлатлар – Афғонистон ва Шарқий Туркистон ҳудудига кўчиб кетадилар [5]. Тадқиқотчи Ҳ.Тўраевнинг маълумотича, 1867-1868 йилларда Бухоро амирлиги ва Россия ҳарбийлари ўртасидаги тўқнашувлар натижасида енгилган ватанпарварларнинг бир қисми Туркия, Афғонистон ва Хитойга ўтиб кетишган [7], [5]. Пўлатхон қўзғолони йилларида ҳам (1873-1876 йиллар) Россия империясига қарши курашда енгилган кучлар Афғонистон ва Хитойга ўтиб кетишга мажбур бўлганлар. Бухоро амирлиги ярим мустамлакага айлантирилганидан сўнг ҳам ўзбек, туркман, тожик халқи вакиллари анча киши Амударёнинг чап қирғоғи (Афғонистон) га мухожирликка кетди. Мухожирликка мажбур қилинган ўзбеклар Шимолий Афғонистоннинг Балх, Қундуз, Шибирғон, Андхўй, Маймана, Бағлон, Сарипул, Ахча, Мукр райони каби ҳудудларига келиб ўрнашганлар [5, Б.27]. “XIX асрнинг охирида Маймана ва унинг атрофларида ўзбеклардан тахминан 5 минг оила, Сарипулда 4 минг оила, Андхўй атрофларида 3,3 минг оила, Шибирғон атрофларида 3,5 минг оила, Мукр районида 1000 оила истиқомат қилган” [8, Б.44], [5, Б.27]. Амир Абдурахмон

ҳуқумронлиги йилларида Афғонистонга ўтган ўзбеклар маҳаллий ўзбеклар билан аралашиб, деҳқончилик, чорвачилик, тижорат каби машғулоти билан шуғулланганлар. Афғонистоннинг марказий ва жанубий ҳудудларида ҳам ўзбеклар яшаганлар. “XIX асрнинг охирида Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон шаҳарларидан бориб қолган 2,5 минг ўзбек оиласи яшаган” [8, Б.44] [5, Б.28]. 1884-1886 йилларда Шимолий Афғонистондаги мустақил бекликларни бўйсиндирган амир Абдурахмон ўзбек ва туркманлар яшайдиган ерларга 18 минг оила пуштунларнинг урушқок ғилзой қабиласи вакиллари кўчирган. Аксинча, 12 минг ўзбек оиласи Кобул ва Қандаҳорга мажбуран кўчирилганлар [9, Б.10-11], [5, Б.28]. Бухоро амирлиги ҳудудидаги бекликлардан кўшни Афғонистон давлатига мухожирликка кетиш 1910 йилларда яқка тартибда ва оммавий тарзда давом этган. Бухоро амирлигининг Қабадиён беклигидан 1913 йил кузида кўплаб бухоролик (ўзбек) оилалар Афғонистонга кўчиб ўтганди. Мухожирликнинг сабаби Қабадиён беги Давронбек Тўқсоба томонидан халқка қатта солиқ солиниши ҳамда Афғонистонга ўтган рус фуқаролигидаги сартлар (ўзбеклар) га текин ер берилиши ва уларнинг 5 йилгача ҳар қандай солиқлардан озод қилиниши бўлган [10] [5, Б.29].

Совет Иттифоқи даври ўзбек мухожирлиги масаласи ҳақида фикр юритилар экан, мухожирлик жараёнини қуйидаги босқичларга бўлиш тарихий тадқиқотлардан ўрин олган.

1. 1917-1924 йиллар босқичи.
2. 1925-1930 йилларнинг иккинчи ярмига қадар бўлган босқич.
3. Иккинчи жаҳон уруши йиллари босқичи [6, Б.41-42].

1920 йилнинг кузида Бухородаги амирлик бошқарувига асосланган монархия тартиби қизил армия босқини оқибатида тугатилди [6, Б.47]. Бухоронинг сўнгги амира, ҳуқумдор Амир Саййид Олимхон 1921 йил 4 мартда Панж дарёсининг Чубек ирмоғи орқали Афғонистонга ўтганди. Амир Олимхон кўшни давлатга ўтаётганида нафақат бек ва аъёнлари, балки минг-минглаб оддий халқ вакиллари ҳам унга эргашганлар. 1921 йилда Бухорони тарқ этган амир ортидан 250 минг киши ёки 50 минг оила Афғонистонга мухожирликка ўтди [4, Б.21]. Амир Олимхон Русток-Қатағон йўли орқали Кобулга етиб келганди. Юз минглаб ўзбек, тожик, туркманлар Балх, Мозори Шариф, Журжон, Фароб, Саманган, Хонобод, Қундуз, Тоҳар, Бадахшон, Қобул, Қандаҳор, Ҳирот, Пактиё, Нангархор вилоятлари бўйлаб тарқалиб кетди [2]. 1918-1922 йилларда “босмачи” йўлбошчилари билан Афғонистон чегарасидан ўтган 1 миллион атрофидаги туркистон-ликлар ушбу мамлакат ҳудудлари бўйлаб тарқалиб кетдилар [5, Б.100]. XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярми ва 30-йилларда юз берган кейинги ер-сув ислоҳати, ва жамоалаштириш сиёсатидан норози Туркистон халқи кўшни давлатларга ўтиб кета бошладилар. “Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 1931 йилда Эронга 1073, Афғонистонга 1218, Хитойга 40 хўжалик мухожирликка кетган” [5, Б.59-60]. Ушбу мухожирликка кетганларнинг бир қисми Афғонистон орқали бошқа хориж мамлакатларига чиқиб кетган бўлсада, уларнинг аксарияти Афғонистондаги маҳаллий ўзбеклар билан қоришиб, улар салмоғининг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди.

Бошқа томондан кўшни Афғонистон ҳудудига ўтиб кетган туркистонликлар ижтимоий ва этник таркибида ҳам турфа хиллик мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Даставвал уларнинг ижтимоий таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, юқорида айтиб ўтилгандек,

улар орасида оддий Туркистон фуқаролари билан бир қаторда сиёсий етакчилар, ўша пайтдаги ҳукумат вакиллари ҳам кўпчиликини ташкил этишини кўришимиз мумкин. Албатта, буларнинг ичида сиёсий муҳожирлардан Амир Олимхон ҳисобланса, ушбу шахс умрининг охиригача Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Муродбеги, Фотух қалъаларида истиқомат қилди. Амир Олимхон Совет ҳукуматида муҳолифатда бўлган кучларни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг ҳузурига совет режимида қарши кураш олиб борган Иброҳимбек каби қўрбошилар, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) нинг Кобулдаги элчиси Ҳошим Шойиқ (1865-1935 йй.) кабилар ташриф буюриб туришган. БХСР ҳукумати аъзоларидан Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968 йй.), Абдулҳамид Орипов, Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970 йй.) кабилар ҳам бир муддат Афғонистондан паноҳ топдилар. Афғонистонга ўтган туркистонлик муҳожирлар ижтимоий таркиби таҳлил қилинар экан, улар орасида оддий деҳқон ва чорвадорлар, ҳаммол ва мардикорлар сони ҳам анчагина эди. Айниқса туркман қочқоқлари ўзларининг 2 млн. сонли чорва моллари билан Афғонистондан паноҳ топишганди. Муҳожирларга нисбатан муносабат шафқатсиз бўлганлигини далиллар тасдиқлайди.

Туркистонлик муҳожирларнинг этник таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг кўпчилигини ўзбеклар

ташкил этсада, тожиклар, туркманлар ва бошқа Туркистон ҳудудида истиқомат қилган миллат вакиллари ҳам улар орасида бўлганлигини юқоридаги далиллар тасдиқлайди. Умуман олганда Афғонистонга кўчиб ўтган ўзбеклар кейинчалик, тарихий зарурат туфайли Шарқ ва Ғарбнинг ўнлаб давлатларига кўчиб ўтдилар. Шу сабабли ҳозирда турли мамлакатларда яшовчи ўзбекларнинг оилалари ўзларини Афғонистондан кўчиб келганмиз деб ҳисоблашади.

-

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Тарихий тадқиқот давомида амин бўлдики, Афғонистон ҳозирги Марказий Осиё миллатларидан ўзбек ва туркманлар кўп сонли бўлиб тарқалган мамлакат ҳисобланади. Афғонистон ўзбеклари 2 гуруҳга бўлиниб, тубжой ва муҳожир ўзбекларнинг авлодларидан иборат. Афғонистон ўзбеклари хўжаликнинг тижорат, деҳқончилик ва чорвачилик машғулоти билан шуғулланиб келмоқда. Улар орасида зиёлилар, фан ва маданият намоёндалари, ҳарбийлар, ҳукумат аъзолари ҳам бор. Афғонистон ўзбеклари ўзбекона урф-одатлар, ўзбек тилини сақлаб қолган. Бироқ уларнинг тилида, турмушида трансформацион жараёнлар ҳам кечди. Улардаги этно-социал жараёнларни ўрганиш, тарихий тараққиёт давомида ўзгаришларни тадқиқ қилиш истиқболдаги илмий вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. – 188 бет.
2. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватан дея, ватансиз қолганлар. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. – 159-бет.
3. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ўзбекистон – бизга ҳам Ватан... . Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2006. – 158 бет.
4. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, - 2007. – 103 бет.
5. Ҳайитов Ш.А. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). – Тошкент, “ABU MATBUOT KONSALT”. – 2008. – 208 бет.
6. Ҳайитов Ш.А., Саидов И.М.. Хориждаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. Монография. – Самарқанд, “MENRIBON-POLIGRAF SERVIS”, 2015. – 159 бет.
7. “Маърифат нури”, 1999 йил 15 август.
8. Ориф Усмон. Хуросон ўзбеклари. // Мулоқот. 1991. №3. – Б. 44-49.
9. Ҳашимбеков Х. Узбеки Северного Афганистана. – Москва, 1994. – 56 с.
10. ЎзРМДА, И-3-фонд. 2-рўйхат, 273-иш, 1-варақ.



УДК: 391:069.02(575.192)

Гулраъно ОРИФЖОНОВА,

Миллий рассомлик ва дизайн институти докторанти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: gulirano.orifjonova@mail.ru

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Илмий ишлар ва инновациялар проректори,
т.ф.д. (DSc) Қурбонова Д.А. тақризи асосида

**SPECIFICITY OF KASHKADARYA ETHNOCULTURAL DRESSES
(ON THE EXAMPLE OF COLLECTIONS OF THE STATE MUSEUM OF HISTORY AND CULTURE OF
KASHKADARYA REGION)**

Abstract

Specificity of Kashkadarya ethnocultural dresses in this article on the example of collections of the State Museum of history and culture of kashkadarya region was analyzed. Analysis of literature on the issues of studying Uzbek national clothes on the topic is presented. Scientific research on this subject has been scientifically studied mainly from the point of view of folklore-ethnographic point of view, that is, what features of wearing them in rituals according to the type of clothes are covered, the history of the origin of our national clothes, the peculiarities of their fabrics, their regional and seasonal characteristics, the meanings of colors and decorations.

Key words: museum, subject, exposition, libos, clothing, kaltapushak, paranji, mursak, kulah, duppi, Kashkadarya oasis.

**СПЕЦИФИКА КАШКАДАРЬИНСКИХ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ПЛАТЬЕВ
(НА ПРИМЕРЕ КОЛЛЕКЦИЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ ИСТОРИИ И КУЛЬТУРЫ
КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

Аннотация

Специфика Кашкадарьинских этнокультурных платьев в этой статье на примере коллекций Государственного музея истории и культуры Кашкадарьинской области был проведен анализ. Представлен анализ литературы по вопросам изучения узбекской национальной одежды по данной теме. Научные исследования на эту тему были научно изучены в основном с точки зрения фольклорно-этнографической точки зрения, то есть, какие особенности ношения их в ритуалах в зависимости от типа одежды освещаются, история происхождения нашей национальной одежды, особенности их тканей, их региональные и сезонные особенности, значения цветов и украшений,

Ключевые слова: музей, предмет, экспозиция, либос, одежда, калтапушак, паранджи, mursak, кулах, доппи, Кашкадарьинский оазис.

**ҚАШҚАДАРЁ ЭТНОМАДАНИЙ ЛИБОСЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ МИСОЛИДА)**

Аннотация

Мазкур мақолада Қашқадарё этномаданий либосларининг ўзига хослиги Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи коллекциялари мисолида таҳлил қилинган. Мавзуга доир ўзбек миллий либосларини ўрганиш масалаларига оид адабиётлар таҳлили келтирилган. Бу борадаги илмий изланишлар асосан фольклор-этнографик нуқтаи назаридан, яъни либосларнинг тури бўйича уларни қандай маросимларда кийилиши хусусиятлари ёритилиб, миллий либосларимизнинг келиб чиқиши тарихи, матоларининг ўзига хослиги, худудий ва мавсумий хусусиятлари, ранглари ва безакларининг маънолари, либосларнинг ажралмас қисми бўлган тақинчоқлар, бош кийимлар ва бошқа аксессуарлар ҳақида илмий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: музей, предмет, экспозиция, либос, кийим-кечак, калтапушак, паранджи, mursak, кулоҳ, дўппи, Қашқадарё воҳаси.

Кириш. Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи 1909 йилда қурилган Хўжа Абдулазиз мадрасасида 1975 йилдан 2007 йилга қадар фаолият кўрсатиб келган. Дастлабки даврда 3 та бўлим: инкилобгача бўлган давр, инкилобдан кейинги давр ҳамда табиат бўлимлари фаолият кўрсатган. 1992 йил инкилобгача ва инкилобдан кейинги давр бўлимлари тарих бўлимига айлантирилди, шу йилдан халқ амалий санъати бўлими ҳам алоҳида бинода фаолият кўрсата бошлади.

Музейнинг Халқ амалий санъати бўлимида амалий санъат буюмлари – 380 дона, маиший ва этнография буюмлари эса 850 донани ташкил этади.

Халқ амалий санъати бўлимида СКМ дастурига қиритилган экспонатлар сони 540 донани ташкил этади. Жумладан, 110 донаси аёллар тақинчоғи, 160 дона сўзана,

74 та гиламлар, 106 дона либослар, 90 та маиший этнография буюмлари мавжуд.

Халқ амалий санъати жуда қадим замонда пайдо бўлиб, халқ хунармандчилиги тарзида ривожланиб, санъатнинг энг қадимги ривожланган ва барҳаёт тури бўлиб келган. Яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган ганчкорлик, наққошлик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, пичокчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, кигизчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турлари вилоят музейлари фондидан ҳам ўрин олган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Ўзбек миллий либослари тарихини ўрганиш борасида О.А.Сухареванинги олиб борган тадқиқотлари унинг бир қанча асарларида ўз аксини топган[1]. О.А.Сухареванинги Ўрта Осиё халқларининг

кийимларига бағишланган илмий тўпламида либослар турлари, ўзига хослиги ва улардаги фарқланиш ҳамда ўхшаш жиҳатлари тўғрисида қатор маълумотлар келтирилган[2].

Л.В.Ундерованинг[3] тадқиқотларида миллий ўзбек либослари хусусида батафсил маълумот бериб ўтилган.

Шунингдек, Н.Содиқова[4] нинг ўзбек миллий либослари тарихи бўйича ўтказган илмий тадқиқотлари ёшга, маросимга, ҳудудга оид либосларни фарқли хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Кийим-кечак турларидан алоҳида бош кийимларгина ўрганилган тадқиқотлар ҳам мавжуд. И.Богословская, Л.Левтеваларнинг “Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков”[5] альбом китобида XIX-XX асрлар даврига оид тарихий-бадний жараён, усталарнинг ижоди ва улар томонидан яратилган дўппидўзлик асарлари илмий жиҳатдан кенг ёритилган. Э. Исмаилованинг тадқиқотларида дўппиларда битилган маънолар [6], Ш. Камалидиннинг изланишларида эса ўзбек дўпписини ривожланиш тарихи [7] доир маълумотлар учрайди. Дўппилар тарихига оид изланишларни Ю. Гайбуллаеванинг тадқиқотларида[8] ҳам кўришимиз мумкин. Дўппидўзлик санъати[9] нинг ўзига хос хусусиятлари Д. Муротова изланишларида кўринади. М. Фозилийнинг илмий изланишларида эса эркаклар дўпписи безаклари космогинияси [10] ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган.

С. Давлатованинг илмий изланишлари ўзбек халқи либосларининг ривожланиш тарихига [11] бағишланганлиги билан аҳамиятли.

Анъанавий либосларни бир ҳудуд кесимида олиб борилган тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, Бинафша Нодирнинг “Бойсун тумани аёллар анъанавий либоси” [12], “Сурхондарёлик қўнғирот аёлларининг миллий либослари” [12], “Традиционная одежда кашкадарьинских женщин первой половины XX в.”[13], “XIX аср охири – XX аср боши Хоразм аёллари анъанавий либослари” [14], Ш. Нуруллаеванинг “Хоразм маросим кийимлари”[15] каби мақолалар шулар жумласидандир.

XIX-XX асрлар аёллар кийими безаклари, жияклар ҳақидаги изланишлар[16] Ю. Гайбуллаеванинг мақолаларида учрайди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқотда тарихий-маданий ва киёсий таҳлил, шунингдек, музейшуносликнинг тавсифлаш, таснифлаш, таққослаш, тизимлаштириш, кузатув усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида амалий санъат бўлимида гиламлар, полослар, сўзаналар, жойномозлар, зардўзлик буюмлари, ироқи дўппилар мавжуд. Ушбу буюмлар милоннинг XVIII – XX асрларига оиддир. Шу билан бир қаторда бўлимида этнография буюмлари – аёллар ва эркакларнинг миллий либослари, чопон, чакмон, белқарс, паранжи, хотин-қизлар такинчоқлари каби маиший буюмлар ҳам мавжуд. Ушбу буюмлар милоннинг XIX – XX асрларига оиддир. Музейда сақланадиган либослардан мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

КУЛТАПЎШАК XX аср 50-йиллари



КУЛТАПЎШАК – аёлларнинг бош кийими. Буюмнинг вазифаси бошни қишда совуқдан, ёзда иссиқдан асрайди. Матоси атлас шойидан, астари бодом нусха пушти читдан. Астар авраси қўшиб қавилган. Четлари астар қилинган читдан мағизланган. Буюмнинг орқа томон пастки қисмига жияк билан безак берилган. Бошга кийиладиган думалоқ дўппи шаклидаги ва орқа томони соч ўрими ўтказиладиган енгчага ўхшаш узун (дум) қисмлардан иборат. Матодан авра-астарли қилиб

тайёрланган, турли хил чокларда ранг-барангга шталар тикиб безатилган. Култапўшакнинг кизак қисми энли, пешона ва енг қисмининг четларига жияклар тугилган. Ёшлар киядиган култапўшак рангдор, гулли матодан, қариялар киядигани одмирок (кул-ранг, кўк, қора каби) матодан тайёрланади. Бухоро, Самарқандда йўрма, ироқи чокларда кашта тикиб безатилган култапўшаклар музейларда сақланади.

КУЛОХ XX аср ўрталари



КУЛОҲ – аёллар бош кийими. Матоси-сарик рангли парчадан. Астари оқ читдан. Орасига пахта солиб машинкада қавилган. Четига ҳам оқ матодан мағизланган. Кулоҳ – қадимий бош кийим. Қалин, дағал (кўпинча жун) матодан конуссимон шаклда, ичига пахта

солиб тикилган. Кулоҳни кўпинча қаландар, шайхлар кийган. Аёллар киядиган кулоҳ рангдор, гулли, ялтирок матолардан, эркалар киядиган кулоҳ эса дағал, жунли матолардан тикилган.

ПАРАНЖИ XX аср бошлари



ПАРАНЖИ – аёллар ёпинчиғи, матоси – банорас. Астари гулли чит. Четига жияк қўйиб тикилган. Енларининг учларига ҳам ҳудди шу жиякдан безак берилган. Бўйинининг орқа томонига икки қатор жияк тикилган. Елканинг астар қисмига ҳам жияк тикиб осилтириб қўйилган. Қўл меҳнати.

Паранжи (араб, фаражи – кенг қўйлак) – кўпчилик мусулмон аёлларининг ёпинчиғи чачвон билан бирга ансамбль ҳосил қилган. Аёллар гавдасини бошидан оёқ яшириб туришга хизмат қилади. Бичими кенг тўн шаклида бўлиб, елкадан пастга томон торайиб борувчи узун энги этакка яқин жойда бир-бирига чашиб бирлаштирилади. Аёл юзини чачвон тўсиб туради. Авра-астарли қилиб тикилади. Авраси бахмал кимхоб, банорас, олача ва бошқа матолардан тикилиб, четлари кашта тикиб, каштали жияклар тутиб безатилади, астари чит, сатиндан тайёрланади ҳамда четларига зангори, пушти

ёки сидирға шойидан адип қилинади. Паранжининг икки ёни (чўнтак ўрни)га тик тушган (25 см узунликда) 2 та жияк туташтириб чапилади, жияклар учидан попуқчалар чиқарилган, баъзан кўнғирокчалар осилган.

Паранжининг ўтмишдоши фаражи ҳам эркалар, ҳам аёлларнинг энгил кенг устки кийими бўлган. Қадимда Мисрда пайдо бўлган ва бошқа шарқ мамлакатларига тарқалган. Ўрта Осиёда XVI асрда илм аҳлининг устки кийими ҳисобланган. XVI асрдан аёлни бегона кўзлардан яширувчи ёпинчиғига, узун енлари безак қисмига айланган. Паранжи ёпиниш ислом шариятига мос келган. XX асрдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида паранжи деярли урфдан қолган. Кейинги даврларда фақат тўй маросимларида келинлар ёпинчиғи сифатида ишлатилган. Ҳозирги кунда ҳам паранжининг янгича кўринишлари тикилмоқда ва келинларимиз учун хизмат қилмоқда.

ЯКТАК XX аср 50-йиллари



ЯКТАК – Бухоро шойиси – банорасдан тикилган эркалар узун қўйлаги. Астари қизил гулли читдан. Қўлда тикилган. Четларига жуда нафис жияк билан безак берилган. Жиякнинг астар қисмига яшил адрас қўйиб тикилган. Ёкасида жуда нафис қўл меҳнатида ишланган ромб услубида кашта тикилган. Яктакнинг олдига матонинг ўзидан боғлаш учун илгак қилинган.

Яктак – ёзги, энгил кийим, эркалар қўйлаги. Олди очик, узун, энгли ҳамда тик ёқали. Яктак тўғри бичимли, қалта (узунлиги асосан тиззагача) ва яланг қават бўлиши билан тўндан фарқ қилади, асосан оқ (бўз) сурп, шунингдек йўл-йўл матолардан тикилади. Яктак орқа-олди елкадан ошириб ташланган яхлит матодан ташкил

топган, унинг икки ёнига ёнлар, енлар тана қисмига тўғри уланиб, энг ва ёнлар орасига қулпак солинган. Узун, энсиз бир неча қават тасмасимон бўлақдан иборат бўлган ҳамда узунасига бир неча қатор чоклар солиб қотирилган ёқа ўйиғига уланган. Орқа томони тик, олди кўкраккача текис тушиб туради. Яктак бағрини бирлаштириш учун ёканинг пастки қисмига боғичлар тикилади ёки изма қилиб тугма қадалади. Ҳозирда Тошкент, Фарғона водийси ва бошқаларда тўғри бичимли яктак билан бирга янги бичикда тикиладиганлари ҳам кенг тарқалган. XII-XIII асрлардан ёзма манбаларда яктак ҳақида маълумотлар бор, V-VI асрларга оид деворий расмлар ҳамда миниатюраларда яктак тасвири учрайди.

НИМЧА

XX аср охири



НИМЧА – хотин-қизларнинг енгисиз ва ёқасиз калта устки кийими, кўйлак устидан кийилади. Бичими турлича – олди очиқ (учбурчак шаклда чуқур ўйилган), тугмачали, авра-астарли, баъзан икки ёнида чўнтаклар қилинган. Авраси бахмал, парча, кимхоб, шойи ва бошқа матолардан, астари ип матолардан тайёрланади. Духобадан

ёқали ва ёқасиз қилиб, баъзан орасига юпка пахта солиб қавиб пахтали нимчалар ҳам тайёрланади. Кашта тикиб безатилган (зардўзи нимча, ироқи нимча, попур нимча ва бошқа) турлари ҳозирда ҳам кенг тарқалган. Нимча қизларнинг сепига кирган.

ДЎППИ

XX аср 80-йиллари



ДЎППИ – енгил бош кийими. Қадимдан Эрон ва туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Туркистон халқлари орасида, айниқса, Ўзбекистонда миллий кийим турига айланган. Бошқа халқлар дўппиларидан ўзбек дўппилари ўзига хос шакли, беаги билан фарқланади. Дўппи уч қисмдан: тепа, кизак ва жияқдан тузилган.

Дўппи асосан бахмал, сидирға шойи, сатинга ип, ипак, зар иплар билан кашта тикиб тайёрланади. Тайёрланган жойи Чуст, Марғилон, Тошкент, Шаҳрисабз. Мўлжалланган кишиларнинг ёши ва жинси шаклига кўра дўппилар хилма-хил ва ранг-барангдир. Дастлабки дўппилар шакли ўткир, учли қилиб, салла билан кийишга мўлжаллаб кизаги кенг жиякли қилиб тайёрланган. XX асрнинг 20-йилларидан дўппи шакли ўзгарди, тепаси думалоқ ёки мурабба шаклга эга бўлди, кизакдаги жияги ингичкалашди. Ўзбекистонда Чуст, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур.

Ироқи дўппи Шаҳрисабзда кенг урф бўлган, кейинчалик бошқа жойларга тарқалиб, ҳар бир маҳаллий жойнинг ўзига хос безак усулида яратила бошланди.

Дўппининг бу турида кашта иплари суғирилиб тўр ҳолига келтирилган мато (сурп)га рангли ипак ёки ингичка тотали пахта ипи билан ироқи чок (терма ва босма усули)да тикилади. Ироқи дўппининг энг яхши намуналари Шаҳрисабз ва Китоб дўппидўзлари томонидан тайёрланади. Шаҳрисабзнинг тепа ва кизаги яхлит тўқилган гилам дўпписи ҳам машҳур. Шаҳрисабзда дўппилар жозибали қилиб тайёрланади.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Бугунги бадий жараёнда ўзбек миллий либослари ҳақидаги адабиётлар танқислиги яққол кўзга ташланади. Мавзуга доир ўзбек миллий либосларини ўрганиш масалаларига оид асарлар эса саноклидир. Бу борадаги илмий изланишлар асосан фольклор-этнографик нуқтайи назаридан, яъни либосларнинг тури бўйича уларни қандай маросимларда кийилиши хусусиятлари ёритилиб, миллий либосларимизнинг келиб чиқиши тарихи, матоларининг ўзига хослиги, ҳудудий ва мавсумий хусусиятлари, ранглари ва безакларининг маънолари, либосларнинг ажралмас қисми бўлган тақинчоқлар, бош кийимлар ва бошқа аксессуарлар ҳақида илмий жиҳатдан ёндошиб ёзилган адабиётлар мавжуд эмас.

АДАБИЁТЛАР

1. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд вторая половина XIX века. – М.: Наука, 1982.
2. Сухарева О.А. История Среднеазиатского костюма. – М.: Наука, 1982. - 141 с.
3. Ундерова Л.В. Узбекская народная одежда конца XIX – XX вв. – Т.: Фан, 1994. - 104 с.
4. Содикова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. - Т.: Шарқ, 2003.
5. Богословская И., Левтева Л.Г. Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков. Альбом. – Т.: mega BASIM, 2006.
6. Исмаилова Э. Дўппиларда битилган маъно // Санъат. – Тошкент, 2000. – № 1. – Б. 10-12.
7. Камолиддин Ш. Ўзбек дўпписи тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2017. – № 3. – Б. 26-28.
8. Гайбуллаева Ю. Дўппилар тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2010. – № 2-3. – Б. 93-94.
9. Муродова Д. Дўппидўзлик санъати // Мозийдан садо. – Тошкент, 2017. – № 1. – Б. 34-35.

10. Фозилий М. Дўппи космогонияси ёки бу бодом тасвири эмас // Санъат. – Тошкент, 2005. – № 3-4. – Б. 17-18.
11. Давлатова С. Ўзбек халқи либослари тарихидан // Санъат. – Тошкент, 2006. – № 3-4. – Б. 6-8. Давлатова С. Ўзбек халқи либослари тарихидан // Санъат. 2006. № 3-4. – Б. 6-8; Ўша муаллиф. История национальной одежды узбекского народа. Библиография. – Ташкент, 2017. – 68 с.; Ўша муаллиф. Ўзбек кийимлари атамалари изоҳли луғати. – Тошкент: Янги нашр, 2017. – 152 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек анъанавий хунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (Ўзбекистоннинг жанубий худудлари мисолида) тарихий-этнологик тадқиқот. – Тошкент: Янги нашр, 2018. – 368 б.
12. Нодир Б. Бойсун тумани аёллари анъанавий либоси // Санъат. – Тошкент, 2017. – № 4. – Б. 19-21.
13. Нодир Б. Сурхондарёлик Қўнғирот аёлларининг миллий либослари // Санъат. – Тошкент, 2002. – № 3. – Б. 27-29.
14. Нодир Б. Традиционная одежда кашкардарьинских женщин первой половины XX в. // Санъат. – Тошкент, 2005. – № 2. – Б. 18-19.
15. Нодир Б. XIX аср охири – XX аср боши Хоразм аёллари анъанавий либослари // Санъат. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 19-20.
16. Нуруллаева Ш. Хоразм маросим кийимлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 37.
17. Торениязова Г. Головные уборов каракалпаков // Санъат. – Тошкент, 2001. – № 4. – Б. 22-25.
18. Богословская И. Киймешек // Санъат. – Тошкент, 2002. – № 2. – Б. 16-18.
19. Гайбуллаева Ю. Аёллар кийими безаклари XIX-XX асрлар // Мозийдан садо. – Тошкент, 2016. – № 3. – Б. 39-41. Ўша муаллиф. Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари тарихи (XIX-XX асрлар). Тарих фан. фалсафа док.дисс...автореферати.–Т.:ЎзМУ,2019.-55 б.



Feruza RASHIDOVA,
SamDU "Ijtimoiy-gumanitar fanlar" kafedrasini mudiri,
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori.
Email: rashidovaf@mail.ru
Mohichexra BOLTAEVA,
O'zMU Jizzax filiali "Ijtimoiy fanlar" kafedrasini katta o'qituvchisi
Email: bmoichexra@bk.ru

O'zMU dotsenti, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori H.Xolikulova taqrizi asosida

HISTORICAL COMPARISON OF THE FOREIGN INVESTMENT CLIMATE IN SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP IN JIZZAKH REGION IN 1991-2000

Annotation

The article discusses the development of industrial enterprises in Jizzakh region, one of the industrial regions of the Republic of Uzbekistan in the first years of independence, which is characterized by a unique environment and geographical location, and the inflow of international investment. The main purpose of the article is to fully reveal the development of the "investment climate" in Jizzakh region, despite the difficult period of independence in 1991-2000, and the impact of the achievements of this period on the development of the region in recent years. The scientific novelty of the article is that in the first years of independence, the state of foreign investment in industrial enterprises has been little studied. The article also covers the stages of development of industry and entrepreneurship in the first years of independence of Jizzakh region.

Key words. Jizzakh region and industry, "investment climate", "Sangzar (Uzbek-American)", Yaroslavl industrial enterprises, Jizzakh battery plant.

ИСТОРИЧЕСКОЕ СРАВНЕНИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА В МАЛОМ БИЗНЕСЕ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ В ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ В 1991-2000 ГГ

Аннотация

В статье рассматривается развитие промышленных предприятий Джизакской области, как одного из промышленных регионов Республики Узбекистан в первые годы независимости, который характеризуется уникальным природно-географическим положением, притоком международных инвестиций. Основная цель статьи – всесторонне раскрыть развитие «инвестиционного климата» Джизакской области, несмотря на сложный период независимости 1991-2000 гг., и влияние достижений этого периода на развитие региона в последующие годы. Научная новизна статьи заключается в том, что в первые годы независимости мало изучено состояние иностранных инвестиций в промышленные предприятия. Также в статье освещены этапы развития промышленности и предпринимательства в Джизакской области в первые годы независимости.

Ключевые слова: Джизакская область и промышленность, «инвестиционный климат», «Сангзар (узбекско-американский)», ярославские промышленные предприятия, Джизакский аккумуляторный завод.

1991-2000 YILLARDA JIZZAX VILOYATINING KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKDA XORIJIY INVESTITSION MUHITNING TARIXIY QIYOSLOVI

Аннотация

Maqolada mustaqillikning dastlabki yillarida O'zbekiston Respublikasining o'ziga hos muhiti va geografik joylashuvi bilan ajralib turadigan sanoat viloyatlaridan biri Jizzax viloyatining sanoat korxonalarining rivojlanishi va ularga xalqaro sarmoyalarning kirib kelishi borasida so'z boradi. Maqoladan asosiy ko'zlangan maqsad, 1991-2000 yillarda mustaqillikning dastlabki zalvorli davrlar bo'lishiga qaramay, Jizzax viloyatining "investitsion muhiti"ning rivojlanishi va bu davr yutuqlarini viloyatning keyingi yillardagi ravnaqiga ta'sirini to'laonli ochib berishdan iborat. Maqolaning ilmiy yangiligi mustaqillikning dastlabki yillarida sanoat korxonalaridagi xorijiy sarmoyalarning holati shu vaqtgacha kam o'rganilganligidadir. Bundan tashqari maqolada Jizzax viloyatining mustaqillikning dastlabki yillarida sanoat va tadbirkorlikning rivojlanish bosqichlari atroflicha yoritib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Jizzax viloyati va sanoati, "investitsion muhit", "Sangzar(o'zbek-amerika)", Yaroslavl sanoat korhonalari, Jizzax akkumulyator zavodi.

Kirish. Har bir davlat mustaqillikka erishgandan keyin uning oldida eng asosiy maqsadlardan biri o'zining iqtisodiyotini rivojlantirish va bu orqali o'z xalqining turmush farovonligini yaxshilash kabi maqsadlar yo'lida harakat qiladi. Bunda davlatning xar bir hududining iqtisodiy-ijtimoiy hususiyatlari alohida ahamiyat kasb etadi. Jizzax viloyati O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy-ijtimoiy hususiyatga ega sanoat hududlaridan biri hisoblanadi. Jizzax viloyati Respublikaning boshqa viloyatlariga nisbatan kechroq tashkil topganligiga qaramay[1] (1973 yilda tashkil etilgan) geografik joylashuvi va iqtisodiy hususiyatlari tufayli ajralib turadi

desak, mubolag'a bo'lmaydi. Jahon tajribasidagi rivojlangan davlatlar o'zlarining iqtisodiy salohiyatini ko'tarishda ko'p hollarda xorijiy investitsiyaga tayanishi ma'lumdir. Lekin xorijiy investorlar ham o'zining mablag' xavfsizligi nuqtai nazaridan sarmoya uchun "risk foizi kam va foyda kelajagi barqaror" loyihalarni maqul ko'radi. Mustaqillikdan keyingi dastlabki yillarida Jizzax viloyati Respublikaning boshqa viloyatlari qatori iqtisodiy muammolarga duch keldi. Lekin bu holat viloyatning sanoat korhonalari bo'lgan xorijiy investorlarning qiziqishini qaytarmagan. Viloyat ma'sullarining ham bu davrdagi asosiy maqsadlaridan biri

iqtisodiyotni har qanday yo'l bilan bo'lsa-da ko'tarish va bu orqali ishsizlikning oldini olish edi. Albatta, bu jarayonda respublika iqtisodiyotining o'zi ham viloyatdagi barcha sanoat korxonalarini tanazzuldan olib chiqa oladigan iqtisodiy resurslarga to'la qonli ega emas edi. Jumladan, sanoat korxonalarini saqlab qolish uchun berilishi mumkin bo'lgan bank tomonidan beriladigan kreditlar berish imkoniyati butun respublika bo'ylab 1995-yilgacha qisqartirilgan edi. Davlat tomonidan tadbirkorlarga beriladigan subsidiyalar berish nereal jarayon edi. Shu omillar tufayli birgina Jizzax viloyatining o'zida 1991-1995 yillarda ro'yhatdan o'tgan kichik biznes va tadbirkorlik korxonalarining 87 tasidan 32 tasi 1996-yilga kelib o'zining faoliyatini to'htatadi[2]. Dalil sifatida aytib o'tish mumkinki, jahonda iqtisodiy ko'rsatkichlarni o'rganuvchi UNCTAD tashkilotining hisobotiga ko'ra mustaqillikning dastlabki yillarida kichik biznes va tadbirkorlik obektlaridagi xorijiy sarmoyalarning keyingi yillardagi kabi ko'p miqdorda kirib kelmasligiga sabab joylardagi byurokratik to'siqlar va "qog'ozbozlik"lar deya ko'rsatiladi[3]. Masalan, har qanday tadbirkorlik obekti o'zining biznesini boshlashi uchun avvalo viloyat hokimiyatidan ruhsat va bundan tashqari sud-huquq organlarining uzoq vaqtlilik tekshiruvlaridan o'tishi kerakligi kabi byurokratik to'siqlar kichik biznes va tadbirkorlikda xorijiy sarmoya egalari "cho'chitadi". Bundan tashqari, xar bir kichik biznes egasi har kalendar yili hisobiga qaytadan ro'yhatdan o'tishi, huquq tartibot organlari tomonidan yaqin qarindoshlari "sudlangan" yoki "sudlanmaganligi" haqidagi ma'lumotlarni taqdim etish, firma Nizomini bir taraflama manfaatlar asosida tuzilishi va va shu Nizomni har yili qaytadan shahar yoki viloyat hokimiga tasdiqlatishi kerakligi bora bora xorijiy investorlarni nafaqat viloyatdan balki butun Respublika hududidan "bezdirib" qo'yadi. Mustaqillikning dastlabki yillarida albatta Respublika tomonidan tutilgan "yopiqlik" siyosati iqtisodiyotga xalqaro investorlar oqimini ham cheklanishiga sabab bo'lgan. Yana bir sabab sifatida aytish mumkinki, xorijiy investorlarni mustaqillikning dastlabki yillarida so'nggi yillardagi kabi "yopirilib kelmaganligi" Respublikada xorijiy investorlarning mulk huquqlarini kafolatlay oladigan "qonun tizimi"ning mavjud emasligi deyish mumkin. Xorijiy investorlar uchun qonunchilikning o'zida "biznes erkinligi" muhitining mavjud emasligini aytib o'tish mumkin. Qo'shma korhona "qog'ozbozlik" jarayonidan o'ta olib tashkil etilgan taqdirda ham korhonani qaysi sohada ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish uchun ham davlat nazoratida bo'lgan. Albatta, yuqoridagi omillarga qaramay xorijiy investorlar Jizzax viloyatining kichik biznes va tadbirkorlik obektlariga nisbatan qiziqishi me'yoriy darajada mavjud bo'lgan. Buni birgina Jizzax akkumlyator zavodi (1991-1999 yillarda zavodni ishchilar soni kichik biznes me'zonlariga javob berganligi uchun bu oraliqda zavodni kichik biznesga tenglash mumkin) misolida ko'rish mumkin. 1995-yil Jizzax akkumlyator zavodi Buyuk Britaniyalik investorlarning e'tiborini tortadi. Bu haqida 1992 yil 23 dekabr Jizzax viloyati xokim o'rinbosarining E.Tursunovning nutqida to'xtalib o'tadi[4]. Buyuk Britaniya investorlari nafaqat o'zlarining investitsiyasi bilan balki, yetuk mutaxassislar bilan zavod taqdirida muhim yangiliklar olib keladi. Ularning tashrifi munosabati bilan zavodning ishlab chiqarish sifatida o'zgarishlar etirofi 1993 yilning 25 dekabr viloyat hokimining yillik hisobotida ham alohida etirof etiladi.

Tadqiqot metodologiyasi. Jizzax viloyatining ip-yigiruv fabrikalarining 1992 yildan keyingi faoliyatida Shveysariyaning "Reyter" firmasining ijobiy natijalari kichik biznes va tadbirkorlik yutuqlaridan biri deb aytish mumkin[5]. Jizzax viloyatining birlamchi oziq-ovqat mahsulotlar bilan ta'minlash va qo'shimcha ish o'rinlari bilan ta'minlash maqsadida tashkil qilingan MDH davlatlari bilan

hamkorlikdagi tashkil etilganligi ham Jizzax shahar hokimining 1993 yilgi Jizzax shahar Xalq deputatlarining XII sessiyasidagi nutqida to'xtalib o'tadi. "..... Biz niyatimizga erishish uchun nima qilyabmiz? Respublikamiz mustaqillikka erishgandan so'ng biz xorijiy va xamdo'stlik mamlakatlari bilan to'g'ridan-to'g'ri tashqi iqtisodiy aloqalar o'tkazish, savdo-sotiq ishlari olib borish, kadrlarni chet elga yuborish, o'qitish borasida katta imkoniyatlarga ega bo'ldik. Viloyatimizda Amerika, Turkiya, Hindiston tadbirkorlari bilan tuzilgan qo'shma korxonalar ish boshlayapti. Yaqin davr ichida Suriya bilan "Dilshod", Xitoy Xalq Respublikasi bilan esa "An'shan" qo'shma korxonalar sonini 7 taga yetkazish va shu orqali viloyat aholisining xalq iste'mol mollari qo'shma xitoyjoni ma'lum xajmda qondirish imkonini beradi. Bundan tashqari, Germaniya va Avstriya ishbiarmon doiralari bilan ham viloyatimizga ilg'or texnologiyalari xamda sarmoyalar olib kelish xususida iqtisodiy aloqalar tobora rivojlanmoqda. 1992 yil davomida iqtisodiy aloqalarini rivojlantirish va mustahkamlash maqsadida Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligiga mamlakatlariga, AQSH, Germaniya, Turkiya, Avstriya, Polsha, Xitoy va boshqa 20 dan ziyodroq delegatsiyalari borib keldilar." Ushbu so'zlarga tayangan holda aytish mumkinki, mustaqillikning dastlabki yillarida Jizzax viloyati ma'sullari tomonidan chet mamlakatlar bilan birgalikda hamkorlik aloqalari o'rnatilish uchun harakatlar olib borilgan. Lekin bu harakatlarning barchasi ham samarali natija bermagan. Misol sifatida, nutqda aytib o'tilgan Suriyaning "Dilshod" qo'shma korhonasi bilan hamkorlik o'rnatilishi shartnomadan naryog'iga o'tilmaydi. Amaliy ishlar amalga oshirilganligi haqida esa biror bir rasmiy va arxiv manbalarida ma'lumotlar aks etmagan.

Jizzax viloyatida mustaqillikning dastlabki yillarida faoliyat olib borgan xorijiy sarmoyalar hisobiga tashkil etilgan kichik korhonalardan samarali faoliyat ko'rsatgan quyidagilarini faoliyati haqida to'xtalib o'tish joizdir.

Sobiq Ittifoqdan meros bo'lib qolgan Moskva bilan iqtisodiy aloqalarning davomchisi sifatida viloyatda "Xizmat" qo'shma korhonasi 1992 yilda 14 iyulda Jizzax shahrining hokimi 84 sonli qaroriga asosan ro'yhatga olingan "O'zbekiston-Rossiya" qo'shma korhonasi tashkil etilgan. Firmaning Rezerv fondi 300 000 rubl 15% foiz miqdorida etib tashkil qilingan. "Xizmat" qo'shma korhonasi Nizomiga ko'ra, ichki bozorda erkin valyuta ayirboshlash huquqiga ega. Viloyatdagi barcha qo'shma korxonalar ham bunday huquqqa ega bo'lmagan. 1992-yil 15 avgustdan viloyat ko'rlar jamiyatidan 50 m2 joyni ijaraga olgan. ishlab chiqaradigan mahsulotlari xalq istemol mollari(ko'rpa, yostiq uchun jildlar) Xizmat qo'shma korhonasining 1992 yil 7 iyulda 84 sonli qaroriga ko'ra tasdiqlangan firma Nizomida o'z faoliyati borasida to'liq ma'lumotlarni taqdim qilgan. Xizmat firmasini Moskva shahridagi "Dinar" firmasi va Jizzax viloyati ko'rlar jamiyati bilan birgalikda tashkil qilgan. Firmaning asosiy maqsadlaridan biri Jizzax shahrining tub aholisi va imkoniyati cheklanganlarni ish bilan ta'minlash, imkoniyati cheklangan shaxslarning ijodiy faolligini oshirish, eksportni oshirish va xayriya aksiyalarida ishtirok etish edi[6]. "Xizmat" qo'shma korhonasi Nizomiga ko'ra, Firma tibbiy bolalar, madaniy-ma'rifiy, o'quv va sport muassasalari, xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar, firma xodimlari va uning tarkibiga kirmaydigan xodimlarni moddiy rag'batlantirish huquqiga ega. "Xizmat" kichik korhonasining faoliyati tahlilida ijobiy baholash mumkin bo'lgan jihatlardan bittasi viloyatdagi imkoniyati cheklanganlarni ish bilan band qilish va ularga ijtimoiy madad berib turish kabi jarayonlardir. Albatta, bu jarayonda nafaqat viloyat iqtisodiyoti balki, ijtimoiy holati uchun ham ijobiy o'zgarishlardan biri deyish mumkin.

Tahlil va natijalar. Jizzax viloyatida 1991-2000 yillarda faoliyat olib borgan qo'shma korhonalardan bittasi "Sangzor" o'zbek-amerika qo'shma korhonasi kichik

tadbirkorlik hisoblanmasa-da, uning otalig'ida tashkil etilgan "Urkulsoy", "Suvan", "Galan" va boshqa bir necha kichik korhonalarni misol qilib keltirish mumkin. Qo'shma korhona otalig'ida bo'lgan kichik korxonalar faoliyati ancha keng tarmoqli bo'lgan. Birgina misol "Urkulsoy" tarmog'i xalq istemol mollari ishlab chiqarish tashkillashtirish va ishlab chiqarish, xo'l mevalar va sabzavotlarni qayta ishlash va konservalash, oziq-ovqat va qandolatchilik sanoati uchun ranglovchilar va komponentlar ishlab chiqarish uchun yaratilgan korhona sifatida faoliyat yuritgan.

Jizzax viloyatidagi yana bir qo'shma korhona "Jibri" yog'-moy zavodi hisoblanib, ushbu zavod Buyuk Britaniya bilan hamkorlikda tashkil etilgan bo'lib, zavodning uzoq yillik faoliyati haqida Jizzax viloyati faollari yig'ilishining bayonnomalarida bir necha bor (1995-1999 yillar oralig'ida) qayd etib o'tilgan[7].

Jizzax viloyatida xorijiy investitsion muhitning ijobiylashuv davri 1995-1998 yillar oralig'ida sodir bo'lgan.

Bunga turtki bo'lgan omillardan bittasi, 1995 yilda O'zbekiston Respublikasida UzDaewoo qo'shma korhonasini tashkil etilishi va bu jarayonda xorijiy investorlar nigohini O'zbekistonga qaratilishidir. Ikkinchi omil sifatida aytish mumkinki, 1996-2001 yillarda Jizzax viloyati hokimi sifatida faoliyat ko'rsatgan prezidentimizning Sh.Mirziyoyevning bu sohadagi ilg'or qarashlari muhim ahamiyatga egadir.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Jizzax viloyatida mustaqillikning dastlabki yillarida kichik biznes va tadbirkorlikdagi xorijiy investitsion muhitning yaratilishida viloyatning dastlabki muhim davrlardan biri sifatida qayd etish mumkin. Bu davrdagi asosiy xorijiy investitsiyalar xalq istemol maxsulotlari va birlamchi oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishga qaratilgandir. Jizzax viloyatidagi keyingi yillardagi xorijiy investitsion muhitning rivojlanishida mustaqillikning dastlabki 10 yilligi muhim ahamiyatga egadir.

ADABIYOTLAR

1. <https://redcrescent.uz/uz/about-us/history/>
2. Fond-48,2-opis,87-jild. 17 varaq
3. Investment Policy review of Uzbekistan. United Nations. New York. Jenewa, 1999.p 56.
4. Fond-48,2-opis,12-jild. 6 varaq.
5. Fond-48,2-opis,22-jild. 28 varaq.
6. Fond-48,2-opis,87-jild. 23 varaq.
7. Fond-48,2-opis,17-jild. 9 varaq.



УДК: 94:355(575.1)

Баҳодир САТИМОВ,
Урганч давлат университети мустақил изланувчиси
E-mail: satimovbahodir91@gmail.com

УрДУ Тарих кафедраси доценти И.Ў. Абдуллаев тақризи асосида

ARMAMENT KNOWLEDGE OF THE POPULATION OF THE SOUTHERN ARAL SEAFROM THE PAGE

Annotation

The article examines the history of armaments of the population of the Lower Amudarya basin on the basis of archeological data.

Key words: S.P.Tolstov, M.A.Itina, A.V.Vinogradov, A.S.Kes, E.D.Mamedov, I.I.Gerasimov, K.K.Markov, P.Baratov, E.B.Bijanov. Neolithic, Eneolithic, Bronze, Burli-3, Yonbosh-4, Yonbosh-5, Kokcha-3, Yakkaparsan-2

ЗНАНИЯ О ВООРУЖЕНИИ НАСЕЛЕНИЯ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ СО СТРАНИЦЫ

Аннотация

В статье рассмотрены на основе археологических материалов истории вооружение народов низовья Амударьи.

Ключевые слова: С.П.Толстов, М.А.Итина, А.В.Виноградов, Е.В.Виноградова, А.С.Кесь, Э.Д.Мамедов, И.И.Герасимов, К.К.Марков, П.Баратов, Е.Б.Бижанов, Бурли-3, Неолит, Энеолит, Жанбас-4, Кокча-3, Яккапарсан-2.

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ ҚУРОЛЛАНИШ БИЛИМИ САҲИФАСИДАН

Аннотация

Мақолада Қуйи Амударё ҳавзаси аҳолиси қурол-аслаҳаси тарихи археологик маълумотлар асосида қараб чиқилади.

Калит сўзлар: С.П.Толстов, М.А.Итина, А.В.Виноградов, А.С.Кесь, Э.Д.Мамедов, И.И. Герасимов, К.К.Марков, П.Баратов, Е.Б.Бижанов. Неолит, Энеолит, Бронза, Бурли-3, Ёнбош-4, Ёнбош-5, Кокча-3, Яккапарсан-2.

Кириш. Турон пасттекислиги шимолий қисмида Туямуйин танглигидан Орол денгизи Жанубий соҳили этагига геологик жихатидан улашиб кетган худуд Амударё фаоляти муносабати билан ўнг ва сўл қисмларига ажралиб, кетганлиги боис, вужудга келган географик, хусусан аждоқларимиз моддий ва маънавий маданиятида ўз маъносини топган. Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимларининг Узбойдан Орол денгизи жанубий соҳилига улашиб кетган худудларда хароба ҳолда ҳозиргача сақланиб қолган маданий мерос объектларида кенг қамровли тарзда олиб борган археологик изланишлар натижаларга асосланган нашрларида сўнгги тош даврдан аҳолининг ҳимояланиш қуроллари тарихига оид манбалар олинган. Аммо, мавжуд бўлган манбалар асосида аҳолининг тарихий давр, унинг турли босқичларида мудофаа ишларида қўлланилган қурол-аслаҳалар тарихига оид умумлаштирган мақола ёки тадқиқот ҳанузгача мавжуд эмас. Шу маънода, ушбу мақола қадимги тош даврдан бронза асри охиригача аҳолини қуролланиш соҳасидаги ҳаёт ва ижод уйғунлигига бағишланган.

- **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)** Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари, нашрларида қайд қилинган фактологик маълумотларни назарий-қиёсий таҳлил қилиш асосида мавзу мазмуни ёритилди. Маълумки, С.П.Толстов, М.А.Итина нашрларида неолит, бронза даври аҳолиси тарихига оид маълумотлар қайд қилинган. Тадқиқотчилар ҳамкорлигида чоп қилинган нашрда Қуйи Амударё, Сарикамишбўйи ва Узбой худудларида жойлашган аҳоли турар-жойларида олиб борилган қазилма ишлари натижасида қурол-аслаҳаларга оид моддий ашёлар қайд қилинган. А.В.Виноградов тадқиқотида Оқчадарё ҳавзасида неолит даври манзилгоҳлари тўғрисидаги маълумотларда, уруғ жамоалари томонидан ихтиро қилинган қамон ўқлари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган. Е.Бижанов, Е.А. Виноградова нашрларида эса қадимги тош даври овчиларининг қундалик ҳаётларида

тошдан ясалган меҳнат қуролларига оид маълумотлар мавжуд. Тадқиқотчи М.А.Итина бронза ва илк темир даврига бағишланган махсус монографиясида Жанубий Оролбўйи дашт қабиалари тарихида аҳоли қуролланиш соҳасига мансуб ашёлар ва қуролланиш тўғрисидаги фактологик ахборотлар кенг ёритилган. Афсуски, тадқиқотчилар ибтидоий овчиларнинг бронза асри охиригача қурол-аслаҳаларини махсус ўрганиш объекти қилиб белгилаб олмаганлар. Ушбу мақоланинг вазифаси 40-12 минг йилликдан - II минг йиллик охиригача аждоқларимизнинг қуролланиш билими соҳасида мавжуд бўлган “оқ доғ” ларни мавжуд бўлган маълумотларни назарий-қиёсий таҳлил асосида инновацион ғоялар билан тўлдиришдан иборат.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақола мазмунини ёритишда мавжуд бўлган адабиётлар қайд қилинган тарихий маълумотларни объектив баҳолаш, тарихий таҳлил, хронологик изчилликда умумлаштириш, қиёсий таҳлил, асослаш асосида илмий ҳолислик услубларидан фойдаланилди. Қуйи Амударё Хоразмда сўнгги тош даврдан бронза асри охиригача ўлкамиз заманида касби-корини белгилаб олган аждоқларимиз манзилгоҳларидан олинган қурол-аслаҳалар ва ашёларга оид тадқиқотчилар фикрлари назарий-қиёсий таҳлил қилиниб, шу асосда аҳоли қуролланиш соҳасида қилган технологик ихтиролари, қўлланилиш натижалари мақола мазмунида ўз аксини топган.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари ярим асрдан зиёд Қуйи Амударё ҳавзасида тарихий давр ва унинг турли босқичларига мансуб бўлган маданий мерос объектларида кенг қамровли тарзда олиб борган археологик изланишлар натижаларини асос қилиб олган адабиётлар мазмунини акс эттирган маълумотлар қуролланиш тарихини ўрганишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчилар қайд қилишича бундан 4-3 мл йиллар аввал Қизилқум, Қорақум ва Устюрт платоси ҳудудлари текислик бўлган[1]. И.И. Герасимов ва К.К. Марков маълумотиغا қўра, ер геологияси қуйи ва ўрта тўртламчи давр бошларида Сарикамиш, Оролбўйи жанубий сарҳадлари палеогеографияси сахро тасвирида бўлган[2]. Орол денгизи жанубий соҳилига уланиб кетган пасттекислиги географик ҳолати ранг-баранг бўлишида Амударё ва Сирдарё фаолиятлари муҳим ўрин эгаллаган. Шу маънода Амударё ва Сирдарё минг-минглаб йиллар давомида олиб борган фаолияти тарихини қисқача ёритиш мақсадга мувофиқ. Тўртламчи давр ўрталаридан бошлаб, Амударё сув сатҳи кўтарилиши натижасида ажралиб чиққан Довдон ирмоғи суви таркибидagi лойка қатламлари ётқизиши натижасида Сарикамишбуйи ҳавзаси пасттекислиги географик тасъирини ҳосил қилган[3].

Шўраҳондан Орол денгизи жануби соҳилига уланган пасттекислик жанубий ва шимолий Оқчадарё ҳавзаси ҳосил бўлган. Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм ва Тошхавуз вилоятлари тарихий-географик адабиётларида Хоразм-Тошхавуз[5] Амударё номи билан маълум. Сув таъминоти юксак даражага кўтарилганлиги боис, Шўраҳон яқинидан Қизилқум томон ажралиб чиққан Оқчадарё ирмоғи фаолияти муносабати билан кўпсонли бир-бирига уланиб кетган сув ҳавзалари органик дунёга сероб бўлганлиги боис, неолит даври уруғ жамоалари тамонидан ўзлаштирилиб, уларнинг машғулоти овчилик ва термачилик бўлган. Шу муносабат билан Оқчадарё ҳавзаси Ёнбошқалъа баландлиги теварак-атрофларини ўзлаштирган неолит даври уруғ жамоалари турар-жойлари, машғулоти кундалик ҳаётларида озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда хизмат қилган меҳнат қуроллари тарихини ёритишга уруғ бериш мақсадга мувофиқ. Устюрт платосида олиб борилган дала амалиёти даврида Шахпахта ҳавзаси атрофларида одамзот томонидан қолдирилган Есен 2, 3, Қорақудук ва Чурук-12 манзилгоҳларидан олинган моддий ашёлар ашель даври қуйи босқичига мансуб бўлган[6].

Е.А.Виноградованинг Султон Увайс тоғи сўл ва ўнг соҳилига уланиб кетган ҳудудлар сўнгги тош даври охирида овчилар томонидан ўзлаштирилганлигини исбот қиладиган моддий ашёлар Бурли-3 манзилгоҳидан олганлиги боис, Шимолий Хоразмда илк этник жараён кечганлигидан далолат беради[7]. Лекин, тадқиқотчи қайси ҳудуддан келган овчи вакиллари миграцион жараёни олиб борганлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалари кўзга ташланмайди. Султон Увайс тоғи ўнг ва сўл ҳудудларида сўнгги тош, мезолит ва илк неолит даври овчилари хўжалигини олиб борганлиги тўғрисидаги маълумотларига қўшилиш мумкин. Султон Увайс тоғи этагида сўнгги тош даврида истиқомат қилган овчилар томонидан тош, таёқ қуроллари қадамлаб юрадиган ҳайвонларни овлашда ишлатганлар.

Мил.авв. VI-V минг йилликларда Жанубий Оролбўйи сарҳадлари палеогеографияси ва экологиясида Амударё динамикаси муносабати билан Узбой, Сарикамиш ва Қуйи Амударё ҳавзаси сохиллари теварак – атрофларидаги қум тепаликлари оралигида бир-бирига уланиб кетган ёйилма қўллар соҳили этаклари хилма-хил ўсимлик (камишзор, тўқайзорлар) ва турли-туман қушларни майин оҳанглари ва ёввойи ҳайвонларни дахшатли оҳанглари натижасида жамиятнинг “симфония” си даврида одамлар, этник жараёнларига хизмат қилишига тайёр турган. Тадқиқотчиларни қайд қилишича, мезолит даври одамлари меҳнат қуролларини модернизация қилиши натижасида вужудга келган камон ўқи кундалик фаолиятларида устунлик қилиши овчиликни

ривожланишига олиб келган Шу тарихида озиқ-овқат таомномасида гўшт маҳсулотлар устунлик қилган. Камалак ва ўқни ихтиро қилиниши инсониятнинг техника соҳасида буюк кашфиётлардан бири бўлиб, одамзотнинг ҳаёт ва ижод уйғунлиги, узок мураккаб тарихий йўлни босиб ўтганлиги маълум. Мезолит даври одамлари камалак ва ўқни ихтиро қилиши ҳамда музлик регрессиясидан кейин вужудга келган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш заруриятидан келиб чиққан, яъни совуқ талаб, қадамлаб ва судралиб юрадиган ҳайвонлар озуқа излаб, шимолга йўналган бўлса, сув ҳавзалари ва булоқлар соҳили этакларида, тезда кўздан ғойиб бўладиган турли-туман паррандалар ва жаҳлдор йиртқич ҳайвонларни овлаш орқали кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кундалик заруриятга айланган.

ХАЭ ходимлари нашрларида Амударё Ёнбошқалъа теварак атрофлари қум уюмлари оралигида Оқчадарё ўзани сувини олиб бориши натижасида ҳосил бўлган сув ҳавзалари соҳилига уланиб кетган баландлик ён қисмига таянган ҳолда Ёнбош-4 манзилгоҳи қурилган[9].

Ёнбош-4 макони ижодкорлари кундалик турмуш тарзида озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда узум япроғи шаклида тошдан ясалган камон ўқидан фойдаланганлар. Камон ўқи икки ён томонга чиқиши 0,2-3 см, кесиш қисми бурама ва тўмтоқ шаклда бўлган. Ёнбош-4 манзилида “донишманд она” раҳномалигида уруғ жамоалари овчилик ва термачилик йўналишларини олиб бориши баробарида чакмоқтош, кварцит каби тошлардан ясалган икки томонлама ишланган япроксимон ўқ-ёй учлари ясалиши кенг тус олган. Оқчадарё ҳавзаси неолит ўрта босқичи даври овчи-термачилари вакиллари тайёрланган ўқ-ёй учларини хилма-хил икки ён қири кесиш шаклида бўлиб, унинг ён қисми, юпка ҳолат услубида бўлган. Қуроллар ёғоч ва суяк дасталарга ўрнатиш учун қулай бўлган[10]. Ёнбош-4 манзили овчиларини янги авлодлари (Жинак, Тожиқозғон, Толстов макони, Қават-7) тош қуроллари технологиясида маълум маънода ўзгаришлар, ромбсимон ва учбурчак шаклда камон ўқларида акс этган. Шу билан бирга узунлиги, 7-10 см найза учлари япроқ шаклда, найзалар овчиликда қўлланилган. Тарихий маълумотларга қўра, Туямуйин худудидан ов ашёлари Султон Санжар, Қўшбулоқ ва Қарриқизил манзилгоҳлари маданий қатламларидан олинган.

С.П.Толстов фикрича, сўнгги неолит даврида ёнбошликлар янги авлодлари овчиликда ишлатилган камалак ўқлари Урал тоғи, Жанубий ва Ғарбий Қозоғистон ҳудудларида кенг тарқалган[11]. Демак, аждоғларимиз томонидан овчиликда кенг маънода ишлатилган камалак ўқлари Оқчадарё ҳавзаси, Туямуйин зонаси ҳамда ғарбий Қозоғистон ҳудудларини қамраб олган географик кенгликни ҳосил қилган. Энеолит даврида (мил.авв. IV минг йиллик иккинчи ярми - III минг йилликлар ўрталарида истиқомат қилган аҳоли қуроллари тузилишида ўзгаришлар сезилмайди. Мазкур тарихий даврда Копетдоғ этаклари, Тажан ва Мурғоб дарёлари ҳавзаси атрофларида маъданшунослик билимини ихтиро қилиб, бундай ўтроқ зироаткор аҳоли технологик ихтиролар Қуйи Амударё ҳавзаси, Сарикамишбуйи ва Узбой ҳудудларида кундалик касби-корини олиб борган аҳоли кундалик фаолиятларида қузатилмайди, овчиликда тошдан ясалган ўқ-ёйлар устунлиги сақланиб қолганлиги қузатилади.

Бронза даврига келганда Жанубий Оролбўйи қабилалари бронзани кашф қилиб ундан ишланган камалак ўқлари хўжаликда ишлатилиши бошланган. Археологик нашрларда қайд қилинган маълумотларга қўра, бронзадан ишланган, камон ўқлари шакли жихатидан мураккаб бўлган, яъни ён томонга ўсиб чиққан

кири кенг, кесадиган қисми ўткир бўлган. М.А.Итина қайд қилган маълумотлардан маълумки, мил.авв. II минг йилликлар ўрталаридан Волга буйидаги Ёғочбанд услубида турар-жойлари билимини ўзлаштирган қабилаларнинг бир гуруҳ вакиллари ҳамда Жанубий Урал, Сибир ва Қозоғистон худудларида ўрнашган Андропова қабилалари аъзолари Жанубий Оқчадарё худудига жойлашиб, улар олиб борган хўжалик Тозабөгёб маданияти номида бўлган[12]. Оқчадарё хавзаси Кўкча-3 тоғи тизимига қирган тозабөгёблик аҳоли томонидан қолдирилган Кўкча-3 дафн иншоотида бронзадан ишланган икки қиррали ўқ-ёйлар қолдиқлари олинган[13]. Мил.авв. VIII-VII асрларга мансуб Яккапарсон-2 манзилгоҳи уй-хоналаридан бронзадан қилинган икки қиррали ўқ-ёйларлар олинганлиги овчиликда кенг маънода ишлатганликларидан далолат беради[14].

Шу тарика, юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар қуйидаги якуний хулосани қайд қилиш имконини ҳосил қилди:

- Устюрт чинки жануби-шарқий худудига ўрта тош даври овчилари бир гуруҳ аъзолари сўнги тош даврида, Султон Увайс тоғи сўл этагига уланиб кетган худудни ўзлаштириб, ҳаётий тажрибаси асосида тош қуролларни ишлатиб, кейинги мезолит ва илк неолит даврларида давом эттирганлар.

- Неолит даври ўрталари (V минг йилликлар иккинчи ярми – IV минг йиллар биринчи ярми) Султон Увайс тоғи этақлари сарҳадида истиқомат қилган уруғ жамоалари Оқчадарё хавзаси географик тасвирини ҳосил қилган. Оқчадарё ирмоғи фаолияти Ёнбошқалъа баландлиги атрофларида ҳосил бўлган кўпсонли сув хавзалари атрофларида ўрнашган аҳоли камон ўқини овчиликда кенг ишлатганлар. Ёнбошқалъа уруғ жамоалари томонидан қўлланилган тошдан ишланган қуроллари Оқчадарё, балки Дон-Урал тоғлари оралиғи ҳамда Қозоғистон шимол-шарқий худудига хўжалик соҳаларини олиб борган уруғ жамоалари қуролларида ўз аксини топган.

- Энеолит даври (IV минг йиллик иккинчи ярми – III минг йиллик биринчи ярми)

Мил.авв. II минг йиллик ўрталаридан Ёнбошқалъа баландлиги атрофларида неолит уруғ жамоалари хўжалигини олиб борган янги авлодлари сувёрган қабилалар бронзадан қилинган камон ўқларини кундалик фаолиятларида кенг тарзда ишлатганлар. Мазкур даврда Устюрт чинки, Оқчадарё ва Сарикамиш ва Узбой худудлари қабилалари тош камон ўқлари фаолиятларига хихмат қилган.

- Мил.авв. VIII-VII асрларда Оқчадарё хавзасида аҳоли овчилигида икки қиррали камон ўқлари аҳамияти сақланган. Таъкидлаш керакки, амирободлик илк зироаткорлар хўжалик ва овчиликда темир ашёсидан ишланган камон ўқларини ишлатмаганлар.

Хоразм бронза даври аҳолиси темир ашёсидан қуролларни яшаш эмаслиги боис, бронза ашёсидан фойдаланишни афзал билганлар Илк темир даврида маргуш ва бохтарийлар амалиётида темирдан ишланган меҳнат қуроллари ва камон ўқларини ўз манфаатларига хизмат қилдирган. Хоразм воҳаси аҳолиси кундалик фаолиятларида темир ашёсини ихтиро қилиб, ундан меҳнат қуроллари ва камон ўқларини кундалик фаолиятларида фойдаланишни алоҳида тадқиқ қилишни тақозо этади.

- **Хулоса ва таклифлар.** Мавзу мазмунини қамраб олган асосий хулоса ибтидоий овчиларини ов қуроллари таёқ, тош, чўқмар найза, камон ўқигача бўлган тарихий жараёнларда одамзодга қарши ишлатилмаган. Илк темир ва антик давр жамиятида қурол-ярроғлар ҳарбий мақсадларда ишлатилган. Қуйи Амударё хавзасида қадимги тош даврдан бронза асри охиригача аҳоли хўжалик соҳаларини ривожлантиришига имкон берган қурол-аслаҳаларни вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичларини моддий ашёлар, тарихий даврларда, ишлаб чиқариш кучлари жойлашиб, миграциялар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим. Шу билан бирга, мавзунини ёритишда география, антропология ва этнография фанларини жалб қилган ҳолда мавзу мазмунини атрофлича ёритишга хизмат қилади. Ушбу таклифлар кейинги мақолаларни ёритишда қўлланиш назарга олинган.

АДАБИЁТЛАР

1. Виноградов А.В, Итина М.А, Кесь А.С, Мамедов Э.Д. Палеогеографическая обуславленность расселения древнего человека в пустынях Средней Азии //Первобытный человек, его материальная культура и природная среда в плейстоцене и голоцене. – М.: Наука, 1974. – С. 290-291.
2. Герасимов И.И, Марков К.К. Четвертичная геология. – М, 1939. – С. 270-271.
3. Толстов С.П. Кесь А.С. История первобытных поселений на протоках древних дельт Амударьи и Сирдарьи //Сборник статей для XVIII международного географического конгресса – М. –Л, 1956. – С. 270-271.
4. Баратов С.П. Ўзбекистон табиий географияси.-Тошкент, Ўқитувчи, 1996. – Б. 157.
5. Бижанов Е.Б. Памятники каменного века впадины Шахпахты //Археология Приаралья-Ташкент, Фан, 1984. Вып-2. С. 8-21.
6. Виноградова Е.А. Первые палеолитические находки в Султануиздаге //Приаралье древности и средневековье.-М. ИВЛ РАН, Наука, 1998. – С. 74-77
7. Низовья Амударьи, Сарыкамьш, Узбой. История формирования и заселения. //МХЭ, Наука, -М .1960. Вып-3, –С. 70. рис -34. С. 29. рис -8. I-II.
8. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья //ТрХАЭЭ, – М.: Наука, 1981. Т. XIII. – С. 78-86. рис 32-34.
9. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта М. Л, Наука, 1962.
10. Итина М.А. Памятники эпохи неолита и бронзы //Древности Южного Хорезма //Тр ХАЭЭ-М, Т. XVI-с.66-79
11. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья //ТрХАЭЭ,-М, Наука, 1977, Т.1996. X.-С.127-128.
12. Толстов С.П. Итина М.А. Проблема саярганской культуры //СА-М, Наука, 1960, № 1-С.14-35.
13. Итина М.А. Раскопки могильника Тозабаягбской культуры Кокча-3 //МХЭ-М; 1961, Вып-5-С.3-96.
14. Итина М.А. Поселение Якке-Парсан-2 (раскопки 1958-1959 гг //МХЭ, – М.: Наука, 1963, Вып-6 – С. 107-129.